Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обунанга 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 31 декабрь, пайшанба № 256 (21.354).

1992 ЙИЛ БИЛАН ХАЙРЛАШАР ЭКАНМИЗ, ЯНГИ ЙИЛДА ҲАР БИР ХОНАДОНГА ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА БАХТ—САОДАТ ТИЛАЙМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Республика Президенти Ислом Каримов 1993 йилнинг яқинлашаётгани ва мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилингани муносабати билан расмий қабул маросими ўтказди. Маросимга Тошкентдаги дипломатия ваколатхоналарининг вакиллари, давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, адиблар, санъат усталари таклиф этилди.

(ЎзА).

ОРТГА ҚАЙТИШ ЙЎҚ

ПРЕЗИДЕНТ И. А. КАРИМОВНИНГ ЧЕТ ЭЛ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ЭТИШ ЧОҒИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Ҳурматли давлат арбоблари!

Қадрли меҳмонлар!

Ҳар бир киши, бинобарин, ҳаммамиз тугаб бораётган йилга якун ясар эканмиз, Янги йилни катта умидлар билан кутиб оламиз.

Тугаб бораётган йилда жаҳон халқлари XX аср охиридаги энг асосий воқеани чуқур англаб олдилар. Икки ҳарбий-сиёсий тузумнинг даҳшатли равишда бир-бирига қарама-қарши туриши тугади, унинг оғир оқибатлари бартараф этилмоқда.

Совуқ уруш тугаб, одамлар енгил нафас ола бошладилар. Халқларнинг бир-бирига ишончсизлигини келтириб чиқарган сабаблар камайиб бормоқда. Барча халқлар ва мамлакатлар ўртасида чинакам тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шериклик ва ҳамкорлик ўрнатиш учун янги тарихий имконият вужудга келмоқда. Бу ҳамкорликда «катта оға» ёки жаҳондаги «ягона етакчи халқ» бўлиш учун яна даъволарга умид қолмайди, деб умид қиламиз.

Жаҳон харитасида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлгани дунёда содир бўлаётган алғов-далғовлар ва ўзгаришларнинг яққол далилидир. Бу янги мустақил давлатлар қаддини ростлаш йўлида дастлабки қадамларни қўймоқда ҳамда ўз тарихи, ҳозирги куни ва истиқболи билан тенг ҳуқуқли мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятига қўшилмоқда.

Бу ҳақда гапирар эканман, мен аввало, ўзимизнинг жонажон Ўзбекистонимизни кўзда тутаман.

Шу унутилмас кунда халқимизга, унинг барча ўғил-қизларига, аввало ораминдан кетган кишиларга буюк мардлиги, озодлик ва мустақилликка эришиш йўлидаги метиндек мустаҳкам иродаси учун, донолиги ва сабр-бардоши, кўнглининг кенглиги учун, буюк аждодларимиздан мерос қолган эзгулик ва тинчликка интилишлари, ҳамма билан аҳил бўлиб тотув яшаш, ҳамкорлик қилиш истаклари учун таъзим қиламан.

Бу худонинг иноятидир, бу шундай куч ваа илҳомки, ҳаммаси халқимизга хос фазилат бўлиб қолаверади, авлоддан-авлодга ўтаверади.

Бир вақтлар қудратли давлат бўлган Иттифоқнинг парчаланиб кетишини ҳозир турлича баҳоламоқдалар. Мен, аввало, матбуот саҳифаларидаги мақолаларда ва телевиниедаги гапларда ўтмишни қўмсаб, менимча ўтмишни қандайдир давлат тузилмаси — конфедерация шаклида тиклаш ҳақидаги саёз фикрлари ва истакларини билдираётган, ўтмишга қайтишни ҳоҳламайдиганларни эса куч билан мажбур қилмоқчи бўлаётганларни кўзда тутаяпман. Жаноб М. С. Горбачевнинг ҳозирги гапларига қараганда собиқ Иттифоқ давлатлари «янгитдан бирлашиш жараёнлари бўсағасида турган» эмиш ва ҳали ҳамма нарса олдинда эмиш.

Шуни айтиш керакки, Горбачев кўпгина давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатчилар ва турли башоратгўйлар ўйлаётган ва айтаётган гапларни такрорламоқда.

Ёки бўлмаса, Россия Федерацияси халқ ноиблари VII съездининг яқинда қабул қилган Мурожаатномасини, шу кунларда Санкт-Петербургда мажлис қилаётган МДҲ мамлакатлари парламентлараро ассамблеясини, яхшиси ҳозирги мустақил давлатларнинг айрим раҳбарлари ташаббусини олиб кўрайлик. Бу хусусда нима дейиш мумкин? Айтмоқчи, МДҲ мамлакатлари парламентлари ассамблеяси, деб аталмиш ташкилотда Ўзбекистон қатнашаётгани йўқ.

Бу хусусда аниқ-равшан қилиб фақат бир гапни айтиш мумкин—энди ўтмишга қайтиб бўлмайди. Халқни мустақиллик ва истиқлол тўғрисидаги чиройли гаплар билан чалғитиб, бу йўлдаги сўзсиз содир бўладиган бўронлар ва қийинчиликлардан қўрқиб, турли чиройли баҳоналар ва ёқимли аврашлар билан ўтмишга қайтиш учун олдиндан йўл очиб қўйиб халқни алдаб бўлмайди. Куни кеча суверенлик ва шок терапияси ҳамда бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштириш қоидаларини зўр бериб тарғиб қилган ҳамда амалга оширган кишилар ана шу йўлни таклиф этмоқдалар.

Улар бу йўлда мустақил давлатларнинг истиқлолини ҳам, ўзларини камолотга етказган коммунистик империянинг вайрон бўлганини ҳам ҳеч қачон тан олмаган ўта консерватор доиралар билан тил топишиб кетсалар мен ажабланмайман.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тўғрисида қандай гапларни айтишмасин, мен МДҲ зарурат эканлигини, барча мустақил давлатлар учун зарурат ва МДҲ мамлакатлари ўртасидаги маърифий муносабатлар ва алоқаларни сақлаб қолишга ва айни пайтда узоқ муддатга мўлжалланган икки ёқлама муносабатларга ўтишга имкон берадиган восита эканлигини ҳамиша таъкидлаб келганман.

Шу муносабат билан кўз олдимизда содир бўлаётган воқеаларни — СССР ва Югославиянинг парчаланиб кетишини бир-бирига қиёсласак кўп нарса равшан бўлиб қолади. Айни мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузилиши собиқ СССР республикаларини маълум даражада Босния ва Герцеговина ҳамда собиқ Югославиянинг бошқа қисмлари бошига тушган қонли қисматдан сақлаб қолди.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги, демократик мустақил давлатни, бозор муносабатларига асосланган янги ижтимоий адолат жамиятини барпо этиш биз танлаб олган йўл бўлиб, биз бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз. Бу ҳаммамиз учун равшан.

Бизни ўтмишга қайтариб, мустақиллик йўлидан четга буриб юборишга ҳар қандай уринишларга йўл қўймайдиган битта истиқболимиз бор — у ҳам бўлса, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб, биз билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилишни ҳоҳлаган барча давлатлар билан ўзаро манфаатли сиёсий, иқтисодий ва ўзга алоқаларни бутун чоралар билан ривожлантиришдир.

Бугун биз ғурур билан шуни таъкидлаймизки, яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси янги демократик жамиятнинг асосларини белгилаб беради, халқаро ҳуқуқнинг, БМТ Низомида ва инсон ҳуқуқлари Декларациясида баён қилинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, қоидаларини устивор, деб эълон қилди.

Конституциямиз Ўрта Осиё минтақасида давлат бошқарувининг кўп асрлик тарихий тажрибасини умумлаштирган бўлиб, жаҳон конституциявий тараққиёти тажрибасига таянади.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар! Ўзбекистонда давлат ва жамоат ҳаёти демократизм руҳи билан йўғрилган Конституция асосида, маърифий-ҳуқуқий меъёрлар ва қонун устиворлиги асосига қурилажагига мамлакатларингиз қатъий ишонаверсин. Республика бундан буён ҳам ҳамма эътироф этган қоидалар ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига асосланиб, тинчликсевар ташқи сиёсатни фаол ўтказаверади.

Тугаб бораётган йилда бизнинг ташқи сиёсатимиз эътироф этилди, жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон ўзига муносиб ўринни эгаллади.

Республика барча нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди, ўнлаб давлатлар билан дипломатия муносабатларини ўрнатди.

Ўзбек халқининг тинчлик ва яхши қўшничилик сари интилишини акс эттирган барча ташаббусларимизни қўллаб - қувватлаганликлари учун ҳамма давлатларга, халқаро ташкилотларга, аввало Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг раҳбарларига миннатдорчилик билдирамиз.

Муҳтарам жаноблар! Сизларнинг ўзбек диёрига келишингиз бутун жаҳон ҳамжамиятининг, аввало, сизлар вакили бўлган дўстона давлатларнинг ёш мустақил республикамизга яхши муносабатининг янги ва жуда муҳим рамзи бўлиб қолди.

Сиз хорижий давлатлар вакиллари, ҳали республикамиз билан яхши таниш эмассизлар. Ҳаммаларингиз гўзал ва ажойиб ўлкамизни, унинг буюк анъаналарини сақлаб қолган истеъдодли меҳмондўст халқини ҳали севиб улгурмаган бўлсангиз ҳам, унга, албатта, меҳр қўясиз, деб ишонаман.

Бугун яна бир бор айтаман: Ўзбекистон бундан буён ҳам анъанавий ҳамкорлари билан, қўшни мамлакатлар билан, бизга дўстлик қўлини чўзиб, самарали ҳамкорлик қилиш истагини билдираётган мамлакатлар билан дўстона муносабатларни бундан буён ҳам мустаҳкамлайверади.

Янги йил Ер юзидаги барча халқлар учун тинчлик йили, осойишталик ва эсон-омонлик йили бўлсин!

Сизларга сиҳат-саломатлик ва Янги йилда муваффақиятлар тилайман!

Янги йил ҳар бир хонадонга бахт ва тўкинлик келтирсин. Барча ишларингизда омад ёр бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1993 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН МЕҲНАТ ҲАҚИ, НАФАҚАЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг оз миқдори даражаси 1,25 баравар оширилсин ва уларнинг энг оз миқдори 2500 сўм қилиб белгилансин.

2. Ушбу фармонда белгиланган энг оз иш ҳақига ва меҳнатга ҳақ тўлаш борасида жорий қилинган ягона тариф сеткасига мувофиқ бюджетдан пул билан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг тариф ставкалари ҳамда лавозим окладлари 1,25 баравар оширилсин.

3. Фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадлари нинг энг паст даражаси ойига 2500 сўм миқдорида белгилансин.

4. Ҳозир амалда бўлган барча турдаги нафақаларнинг миқдори 25 фоиз оширилсин.

5. Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ҳамда кийим-бош ва овқат билан таъминланмайдиган ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,25 баравар кўпайтирилсин. Талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинсин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги иш ҳақини, нафақалар ва стипендияларни оширишга мазкур фармонда кўзда тутилган харажатларни пул билан таъминлаш манбаларини аниқласин.

7. Хўжалик ҳисобидаги бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар ушбу фармонда белгиланган энг оз меҳнат ҳақи миқдорини ана шу мақсадлар учун ўз маблағлари манбаини қидириб топишларига қараб жорий этсинлар.

8. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, бюджетдан пул билан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасалар меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартлари ўз вақтида жорий этилишини таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки Республика корхоналарига, ташкилотлари ва муассасаларига иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминловчи чоралар кўрсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 29 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «1993 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН МЕҲНАТ ҲАҚИ, НАФАҚАЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА

ШАРҲ

Президентнинг фармонига биноан 1993 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг оз даражаси 1,25 баравар оширилади ва уларнинг энг оз миқдори ойига 2500 сўм қилиб белгиланади.

Фармонинг халқ хўжалиги тармоқларидаги ходимлар моддий аҳволини яхшилашга қаратилганини қайд этиш билан бирга бу ҳужжатнинг бош мақсади аҳоли барча табақаларининг, айниқса талабалар ва нафақадорларнинг ижтимоий ҳимояланишини кучайтиришдан иборат эканини таъкидламоқ керак. Барча турдаги нафақалар 1,25 баравар оширилади, бундан 2,5 миллиондан ортиқ нафақадор манфаат кўради.

Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва билим юртларининг ўқувчилари олаётган стипендиялар 1,25 баравар кўпаяди. Улар учун тушлик овқатлар қийматидан 50 фоиз чегирмалар сақлаб қолинади. Натижада стипендияларнинг миқдори ўрта ҳисобда: олий ўқув юртлари талабалари учун 2020 сўм, техникум ўқувчилари учун — 1570 сўм ҳамда кийим бош ва овқат билан таъминланмайдиган ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари учун 1050 сўм бўлади.

Фармонга мувофиқ фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадлари энг паст даражаси ойига 2000 сўм ўрнига 2500 сўмга етказилади. Иш ҳақининг энг оз миқдорини ошириш тўғрисидаги фармон меҳнат ҳақи бўйича ягона тариф сеткаси жорий этилган бир пайтда қабул қилинди. Энг оз иш ҳақи миқдори ойига 2500 сўм қилиб белгиланиши халқ хўжалигидаги барча ишловчилар учун тариф ставкалари ва мансаб окладларини, шу жумладан бюджет маблағи билан таъминланадиган муассаса ва ташкилотлардаги тариф ставкалари ва мансаб окладларини айни бир вақтда 1,25 баравар кўпайтиради.

Газеталарнинг шу йил 29 декабрь сонида вазирлар маҳкамасининг «1993 йил 1 январдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини жорий қилиш тўғрисида»ги қарорига берилган шарҳда амалдаги 2000 сўм энг оз иш ҳақи миқдорига асосланиб, тариф ставкалари ва мансаб окладларининг ҳисоб-китоблари мисол тариқасида келтирилган эди.

Иш ҳақининг энг оз миқдори 2500 сўмга етказилиши муносабати билан тариф ставкалари ва мансаб окладлари ўзгаришини яққолроқ кўрсатиш учун ўша мисолларнинг ўзи келтирилади:

Машинасозлик корхонасининг 6-разряли ишчиси учун ягона тариф сеткасига мувофиқ тариф коэффициенти 1,88 қилиб белгиланган. 2500 сўм миқдоридаги энг кам иш ҳақи бўйича тариф ставкаси 4700 сўм (2500x1,88) қилиб белгиланади. Олинган тариф ставкасининг миқдори учун 1,10 га тенг бўлган тармоқ коэффициенти қўлланилади. Натижада мазкур ишчининг тариф ставкаси миқдори (4700x1,10) 5170 сўмни ташкил қилади ёки 1,25 баравар ортади.

4-разряли ғишт терувчи учун 1,52 тариф коэффициенти белгиланади, тармоқ коэффициенти эса 1,28 ни ташкил этади. 2500 сўм миқдоридаги энг кам иш ҳақи бўйича ғишт терувчининг тариф ставкаси 4864 сўмни ташкил этади (2500x1,52x1,28).

Биринчи тоифадаги малакали ўқитувчи 8-разрядга мансуб бўлади, тариф коэффициенти — 2,32. 2500 сўм миқдоридаги энг кам иш ҳақи бўйича тариф ставкаси 5800 сўм бўлади (2500x2,32).

Биринчи тоифадаги малакали врач — 9-разрядга мансуб бўлади, унинг учун тариф коэффициенти 2,54 қилиб белгиланади. 2500 сўм миқдоридаги энг кам иш ҳақи бўйича унинг тариф ставкаси 6350 сўмни ташкил этади (2500x2,54).

Иш ҳақи, нафақа ва стипендияларни ушбу фармонда кўзда тутилган тарзда ошириш харажатлари 1993 йилнинг ўзида 60,2 миллиард сўмдан ортиқроқ бўлади, шу маблағнинг 35,7 миллиард сўми бюджет ҳисобидан ва 24,5 миллиард сўми нафақа жамғармасидан берилади.

Вазирлар маҳкамасининг илгари қабул қилган 1993 йилда «Ўзбекистон Республикаси истеъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида ва 1993 йил 1 январдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини жорий қилиш тўғрисида»ги қарорлари билан бирга ушбу фармон республика аҳолисининг ижтимоий ҳимояланиши янада кучайишини таъминлайди.

ҒИШТ СЕРОБ БЎЛАДИ

Янги йил арафасида Ғаллаорол ғишт заводининг иккинчи навбати ишга туширилди. Эндиликда корхонада икки баравар кўп — йилига 16 миллионта ғишт чиқарилади. Завод иккинчи навбатини тез ва соз битказишда Жиззах вилоят агросаноат қурилиши трестининг бинокорлари алоҳида ғайрат кўрсатишди. Барча ускуналарни ўрнатиш ва созлаш ишларини корхона муҳандисларининг ўзлари уддалашди.

«ЗАНГОРИ ОЛОВ» ТАФТИ

Қува туманига қарашли М. Раҳматов номидаги жамоа хўжалиги аъзоси Мақсудахон Маманованинг уйига янги йил арафасида газ ўтказилди. Гап шундаки, тумандаги М. Раҳматов, М. Улуғбек, «Дўстлик», «Бўстон» жамоа хўжаликларига 47 километр газ қувури тортилди. Бунинг учун 50 миллион сўм сарфланди. Жами бир ярим мингга якин қишлоқ хонадонида «зангори олов» ёнди.

ЎзА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Қ. ХОЛМИРЗАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали меҳнати, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига қўшган ҳиссаси ҳамда жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун Андижон вилоятининг ҳокими Қаюм Холмирзаевич Холмирзаев Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 30 декабрь.

• Президент ғамхўрлиги

ФАРЗАНД БОР—ТОЛЕ БОР

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб қарор топган ажойиб, бетакрор анъаналари бор. Шулардан бири —фарзандга исм қўйиш. Уғил ёки қизга билиб, топиб, ўзига мос, чиройли исм танлаш ҳам етуклик, доноолик тимсоли саналган. Оталик борки, у жигарбандининг Алишер Навоий, Ибн Сино, Нодира, Зебуннисо, Амир Темур, Улуғбек каби бўлишини орзу қилади. Кўпгина ота-оналар республикамиз мустақиллигининг бир йиллиги шодиёнаси кунларида дунёга келган болаларига Ўссин-улғайсин, камол топсин, Президентимиз Каримов сингари доно, зукко бўлсин, оддий одамларга қайишадиган, меҳрибон, юрт ғамини ейдиган, мард жасур, танти инсон бўлиб вояга етсин, деган мақсадда Исломжон номини қўйишди.

Ана шундай пок ниятли ота-оналардан бири — Асомиддин ва Дилором Муҳсимовларнир. Улар Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 2-Тансиқбоев мавзесида истиқомат қилишади. Асомиддин «Самарқанд» ресторанида ошпаз, Дилором эса металлни қайта ишлаш заводида ишчи. Иккалови ҳам эл-юртга қўлларидан келганча хизмат қилиб, фарзандларини вояга етказишяпти. Янги йил арафасида бу хонадонга азиз меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Мавлон Умурзоқов билан республика соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи Қулаҳмад Ризаевлар ташриф буюришди. Мавлон Умурзоқов Ўзбекистон Президенти табригини йиғилган қўни-қўшнилар, ёрдўстларга ўқиб эшиттирди. Сўнгра уни, Президентимиз суратини жажжи Исломжоннинг ота-оналарига топширишди. Давлат ташвиши билан банд бўлган, халқимизнинг оғирини енгил қилиш, эртанги истиқболи учун кечаю-кундуз меҳнат қилаётган Президентимиз Ислом Каримовнинг эътибори хонадон соҳибларини тўлқинлантириб юборди. Уларни яна бир совға кутаётган эди. Шу кунн бир уйда тўрт оила, 13 жон яшаётган бу хонадон аъзолари бўлмиш Асомиддин ва Дилором Муҳсимовларга янги квартиранинг калитлари ҳам тантанали равишда топширилди.

Шу кунн Чилонзор туманидаги Маданият маҳалласида ҳам қувончли воқеа рўй берди. Маҳалланинг камтарин фуқаролари: Муҳаммадсолиҳ Азимов ва унинг рафиқаси Феруза Обиджоновалар уйида ҳам қувончли онлар ҳукмронлик қилди. Уларга ҳам Президентнинг табригн, совға-саломлари топширилди. Бундай диққат-эътибор ва ғамхўрлик учун йиғилганлар қўл очиб, Президентимизнинг тан-жонлари соғ, дастлари ҳамиша узун бўлсин, деб дуо қилдилар. Жигарбандимиз Исломжон катта бўлганида унга ушбу бахтли кунлар ҳақида, албатта, сўзлаб берамиз, деб ваъда қилдилар.

В. КИРИЛЛОВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг матни ва мусиқавий таҳрири тасдиқлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясига зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси:

1) Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умумхалқ байрамларига бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши ҳамда ёпилиши вақтида;

2) Янги йил кечаси Тошкент вақти билан соат 24 да республика телевидениеси ва республика радиоси орқали; Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умумхалқ байрамлари кунларида; республика телевидениеси орқали — дастурларнинг бошланишида; ҳар куни Ўзбекистон радиоси республика ички радиоэшиттиришлар орқали дастурларнинг бошланиши ва тугалланиши олдидан;

3) республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат ва ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатилган ҳайкаллар, шунингдек монументлар, ёдгорликлар ва бошқа иншоотларнинг очилиши вақтида;

4) давлат идоралари, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмалари томонидан ўтказиладиган маросимлар ва бошқа тантанали тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини кўтариш чоғида;

5) расмий сафар билан Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий мамлакатларнинг давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш вақтида — тегишли хорижий давлатнинг Давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганидан кейин ижро этилади.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ушбу Қонун талабларига риоя этган ҳолда давлат идораларининг, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмалари раҳбарларининг қарорига биноан бошқа ҳолларда ҳам ижро этилиши мумкин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси оркестр, хор, ҳам оркестр—ҳам хор томонидан ёки ўзга вокал ва чолғу асбоблари билан ижро этилиши мумкин. Бунда овоз ёзиб олиш воситаларидан фойдаланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси вокал ҳамда вокал-чолғу асбоблари билан ижро этилган тақдирда тўлиқ ижро этилади, чолғу асбобларининг ўзида ижро этилган тақдирда эса мадҳия қисман ижро этилишига йўл қўйилади — ашуланинг бошланиши ва нақорат бир мартадан айтилади.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси мадҳиянинг ушбу Қонун билан тасдиқланган матни ва мусиқавий таҳририга айнан мувофиқ ҳолда ижро этилмоғи лозим.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилган тақдирда ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб, эркаклар бош кийимини олган ҳолда ёки қўлини чеккасига қўйиб тинглайдилар.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини:

ҳарбий қисмларда, ҳарбий кемаларда ижро этиш, шунингдек мадҳия ижро этилаётган пайтда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий салом бериши — ҳарбий уставлар билан;

ички ишлар идораларида ижро этиш, шунингдек мадҳия ижро этилаётган пайтда ички ишлар идораларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибидан бўлган шахсларнинг салом бериши — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги белгилаб қўядиган қоидалар билан;

ўқув юртларида ижро этиш — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан келишиб туриб белгилаб қўядиган қоидалар билан тартибга солинади.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида республика ва халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси манфаатдор ташкилотлар билан келишиб туриб белгилаб қўядиган қоидаларга мувофиқ ижро этилади.

Халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш маросими халқаро спорт ташкилотларининг мавжуд амалиётини инобатга олган ҳолда белгиланади.

10-модда. Хорижий давлатлар ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган тадбирлар вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ўша мамлакат тажрибаси ва маҳаллий урф-одатларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги белгилаб қўядиган қоидаларга мувофиқ ижро этилади.

11-модда. Ички ишлар идораларида, ўқув юртларида, спорт мусобақалари вақтида, шунингдек хорижий давлатлар ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг муассасалари ва ташкилотлари тегишли тадбирлар ўтказган вақтда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш қоидалари ушбу Қонун талабларига асосланиб белгиланади.

12-модда. Ушбу Қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиб бориш давлат идораларининг, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари зиммасига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини кўтариш вақтида ижро этиладиган холларда эса Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиб бориши шарт бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслар зиммасига ҳам юкланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 10 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Белгилаб қўйилсинки, ушбу Қонун билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси 1992** йил 10 декабрдан ҳамма жойда ижро этилади.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раёсатининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат гимни тўғрисида»ги 1978 йил 18 март Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1978 йил, № 9. 134-модда; № 12);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раёсатининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат гимни тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1985 йил 29 апрель Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1985 йил, № 13. 141-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри.
1992 йил 10 декабрь.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкдорлар ва давлатнинг мулкий манфаатларини ҳимоялашга кўмаклашувчи мустақил молиявий назорат тизимининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

1 БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Аудит

1. Аудит — муайян ваколатлар берилган шахслар аудиторлар (аудиторлик фирмалари) томонидан хўжалик юритаётган субъектларнинг молиявий ҳисоботлари тўғрилигини, улар амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларига қай даражада мувофиқлигини, шунингдек мукаммаллиги ва асослилигини, бухгалтерия ҳисоб-китоби ва бошқа молиявий ҳисобот юритишга доир талабларга қай даражада монандлигини текшириш мақсадида ўтказиладиган молия ҳужжатларининг экспертизаси ва таҳлилидир. Аудит шунингдек консальтингни — мижоз билан шартнома асосида хизматлар кўрсатишни ўз ичига олади.

2. Аудиторлик фаолияти махсус ваколат берилган давлат идоралари томонидан хўжалик субъектлари фаолияти устидан назорат қилиниши ўрнини босмайди.

2-модда. Аудитор, аудиторлик фирмаси

1. Аудитор — белгиланган тартибда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олган ва аудиторларнинг касб-кор рўйхатига киритилган мутахассисдир.

2. Аудиторлик фирмаси — юридик ёки жисмоний шахс томонидан тузилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўз уставига кўра фаолият соҳаси аудиторлик хизматлари кўрсатишдан иборат бўлган корхонадир.

Аудиторлик фирмалари кичик корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналар тарзида тузилиши мумкин, очиқ турдаги акциядор жамиятлар бундан мустасно.

3. Аудиторлар ва аудиторлик фирмалари давлат рўйхатидан ўтиб, лицензия олганларидан кейин ўз фаолиятларини бошлайдилар.

3-модда. Хўжалик юритаётган субъект

Хўжалик юритаётган субъектлар дейилганида мулк шаклидан қатъи назар барча корхоналар ҳамда мустақил тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи айрим фуқаролар тушунилади.

Хўжалик юритаётган субъектлар аудитор (аудиторлик фирмаси)ни танлаш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳуқуқ аудиторлик фирмаси ва хўжалик юритаётган субъект ўртасида тузиладиган шартномада мустаҳкамлаб қўйилади.

4-модда. Аудиторлар ва аудиторлик фирмаларини давлат рўйҳатидан ўтказиш

Аудиторлар ва аудиторлик фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида амалга оширилади.

5-модда. Аудиторлик фаолиятига лицензия бериш

Аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензиялар давлат рўйхатидан ўтилгандан кейин берилади.

Аудиторлик фаолиятига доир лицензиялар бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан белгиланади.

6-модда. Аудитор хулосаси

Аудитор хулосаси — бухгалтерия ҳисоб-китобини юритишга ҳамда ошкор қилинадиган йиллик молиявий ҳисобот ҳужжатлари тайёрлашга доир талабларга хўжалик юритаётган субъектнинг ҳисобот ҳужжатлари қай даражада мувофиқлиги хусусидаги аудитор фикри баён қилинган, имзоси қўйилган ва муҳр билан тасдиқланган ҳужжатдир.

7-модда. Аудиторлик фаолиятига доир қонунлар

Аудиторлик фаолияти билан боғлиқ муносабатлар «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудида эса Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан ҳам тартибга солинади.

2 БЎЛИМ. АУДИТОРЛИК ҲУҚУҚ ВА ВАЗИФАЛАРИ

8-модда. Аудиторнинг (аудиторлик фирмасининг) ҳуқуқлари

Аудитор (аудиторлик фирмаси):

имзоланган шартнома асосида хўжалик юритаётган субъектнинг ҳисобот ҳужжатларини аудитдан ўтказиш ва консальтинг хизматлари кўрсатиш;

ушбу Қонун, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларининг талабларига асосланиб, текширишнинг шакл ва услубларини мустақил белгилаш;

ўзи текшираётган хўжалик юритаётган субъектнинг мулкий ҳолати ва фаолиятини кўрсатувчи, текширилаётган объектда ҳам, учинчи шахсларда ҳам бўлган ҳужжатлар билан эркин танишиш;

ўтказилаётган текширув ёки аудиторлик хизмати кўрсатиш муносабати билан текшираётган хўжалик субъекти раҳбарлари ва бошқа ходимларидан, шунингдек учинчи шахслардан оғзаки ёки ёзма шаклда зарур тушунтиришлар олиш;

лицензиядан маҳрум этишга доир қарор устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

9-модда. Аудиторнинг (аудиторлик фирмасининг) вазифалари

Аудитор (аудиторлик фирмаси):

аудиторлик текширувларини сифатли ўтказишни, текширишлар ўтказиш билан боғлиқ бошқа аудиторлик хизматлари кўрсатиши;

ўзи текшираётган хўжалик юритиш субъектининг раҳбариятига текширув чоғида аниқланган бухгалтерия ҳисоб-китоби юритиш ҳамда молиявий ҳисобот ҳужжатлари тайёрлашга доир талаблар ва қонунлар бузилганлиги ҳолларини маълум қилиши;

ўз вазифаларини бажариш чоғида сир сақлаш қоидаларига риоя этиши. Мижозга зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни фақат суд талабига биноан ошкор этишга йўл қўйилади;

текшириш тугалланиб, хулоса чиқарилгунга қадар узрсиз сабабларсиз ўз фаолиятини тўхтатиб қўймаслиги;

зарур ҳолларда, текширув натижаларини маълум қилиш учун мулкдорларнинг (акциядорларнинг) умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиши;

башарти, олдинданоқ ўз хатти-ҳаракатларида холис ва одил бўлолмаса, ўз фаолиятини давом эттиришдан воз кечиши шарт.

10-модда. Аудиторларни тайинлаш ва чақириб олиш

1. Аудитор аудиторлик хизмати кўрсатиш тўғрисида мижоз билан шартнома тузган аудиторлик фирмаси томонидан хўжалик юритаётган субъект мулкдорлари билан келишилган ҳолда тайинланади.

2. Аудиторни чақириб олиш фақатгина хўжалик юритаётган субъект мулкдорларининг ёки аудиторни тайинлаган юридик шахснинг қарорига биноан амалга оширилиши мумкин бўлиб, бу ҳақда аудитор олдиндан унинг хизматларидан воз кечилиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда хабардор этилиши лозим.

3. Буюртма асосида ўтказилаётган текшириш ёки бошқа ишларни амалга ошириш чоғида аудитор хизматидан воз кечилса, хўжалик юритаётган субъектнинг мулкдори аудиторнинг хизмат ҳақини тўлаши шарт.

4. Суриштирув идорасининг, прокурор, терговчи ва суднинг топшириғига биноан ўтказилган аудиторлик текширувига кетган харажатлар текширилаётган хўжалик юритаётган субъект ҳисобидан, унинг етарли маблағи бўлмаган тақдирда эса — текширишни тайинлаган идора ҳисобидан сарфланади.

Башарти, хўжалик юритаётган субъект текширув ўтказиш учун кетадиган харажатларни тўлашга етарли маблағга эга бўлса-ю, аммо тўловдан бош тортса, прокурор аудитор ёки аудиторлик фирмасининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш учун тегишли судга мурожаат этиши шарт.

11-модда. Аудиторнинг (аудиторлик фирмасининг) ишлаш учун шарт-шароит яратиб бериш

Хўжалик юритаётган субъектнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари аудиторнинг талабига биноан:

молия-хўжалик фаолиятига доир ҳужжатларни тақдим этишлари;

ёзма ёки оғзаки шаклда зарур тушунтиришлар беришлари;

текширилаётган объектнинг молия-хўжалик фаолиятини экспертизадан сифатли ўтказиш учун бошқа зарур шарт-шароит яратиб беришлари шарт.

12-модда. Аудиторнинг жавобгарлиги

Аудитор ва аудиторлик фирмаси аудиторлик текширувлари ўтказиш чоғида ушбу Қонуннинг ва Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларини бузганлик учун:

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ мулкий ва маъмурий жавобгарликка;

лицензия берган идоранинг қарорига мувофиқ аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини тўхтатишгача ёки бундай лицензиядан маҳрум этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиладилар.

3 БЎЛИМ. АУДИТОРЛАР ПАЛАТАСИ

13-модда. Аудиторлар палатаси

Ўзбекистон Республикасининг Аудиторлар палатаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш олиб борувчи аудиторларни ихтиёрий асосларда бирлаштириб, аудиторлик фаолиятини ривожлантиришга, такомиллаштиришга ва бир хиллаштиришга даъват этилган мустақил жамоат ташкилотидир.

14-модда. Аудиторлар палатасининг Ўзбекистон Республикаси давлат идоралари ва хорижий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

1. Аудиторлар палатаси Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги билан биргаликда:

аудитор лицензияси олиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ўтказиладиган малака имтиҳонлари дастурини ва тартибини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

аудиторлик текширувларини ўтказишнинг умумий қоидаларини ишлаб чиқади;

аудиторлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилади;

аудиторлик фаолияти билан боғлиқ, қонунларга зид келмайдиган бошқа хатти-ҳаракатларни амалга оширади.

2. Аудиторлар палатаси давлатнинг бошқа идоралари, мамлакатдаги ва хориждаги аудиторлар ҳамда бухгалтерлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

3. Аудиторлар палатаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда:

аудиторлик фирмалари тузиш масалаларини қараб чиқади;

бошқа давлатларнинг аудиторлик палаталари ёки шундай ишни бажариш ваколати берилган идоралари билан тегишли ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси аудиторларининг лицензияларини ўзаро эътироф этиш тўғрисида шартнома тузади.

4 БЎЛИМ. ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ҲУЖЖАТЛАРИ

15-модда. Эълон қилинадиган молиявий ҳисобот ҳужжатлари

Хўжалик юритаётган субъектнинг эълон қилинадиган молиявий ҳисобот ҳужжатлари — аудиторлик хулосасини, балансни, фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботни ёки даромадларга доир декларацияни ҳамда бухгалтерияга оид бошқа маълумотларни ўз ичига олади. Бундай маълумотлар ташқаридаги фойдаланувчилар учун тақдим этилиши шарт.

16-модда. Молиявий ҳисобот ҳужжатларини эълон қилиш

1. Дастлабки тарзда аудитор текширувидан ўтган молиявий ҳисобот ҳужжатлари:

ташкилий-ҳуқуқий шакли мулкдорларнинг мулкий жавобгарлиги чекланишини кўзда тутадиган хўжалик юритаётган субъектлар;

акциялари фонд биржаларида қимматга эга бўлган хўжалик юритаётган субъектлар;

мулк шаклидан қатъи назар, банклар;

мулк шаклидан қатъи назар, суғурта компаниялари;

фаолият соҳаси учинчи шахсларнинг маблағларини акциялар, облигациялар ёки бошқа қимматбаҳо қоғозларга жойлаштиришдан иборат бўлган инвестиция ва молия компаниялари;

биржалар;

чет эл инвестицияларига эга бўлган корхоналар;

доирасини ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси белгилаб берадиган бошқа субъектлар томонидан эълон қилиниши шарт.

2. Йиллик молиявий ҳисобот ҳужжатлари тегишли молия йили тугаганидан кейин кўпи билан 5 ой ичида эълон қилинади.

5 БЎЛИМ. МАХСУС ҚОИДАЛАР

17-модда. Аудиторлик фаолияти юритишни тақиқлаш

Аудиторлик текшируви:

текширилаётган хўжалик юритиш субъекти раҳбарлари ва мансабдор шахсларидан бирортаси билан бевосита қариндош шахс;

текширилаётган хўжалик юритиш субъектида шахсий мулкий манфаатлари бўлган шахс;

хўжалик юритаётган субъектнинг раҳбарлари, муассислари ёки мулкдорлари;

текширилаётган хўжалик юритиш субъекти ёки унинг филиали ходими;

давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг мансабдор шахслари;

кредиторлар, инвесторлар ва бошқа манфаатдор шахслар томонидан ўтказилиши маън этилади.

18-модда. Низоларни ҳал этиш тартиби

Аудиторлар ва аудиторлик фирмалари ўртасидаги ўзаро низолар, шунингдек улар билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги низолар қонунларда белгиланган тартибда қараб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси икки ойлик муддат ичида:

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминловчи зарур меъёрий ҳужжатлар тайёрласин;

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ўзлари чиқарган, ушбу Қонунга зид келувчи меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

бир ойлик муддат ичида:

Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар палатаси тўғрисида мувақкат низомни тайёрласин ва уни тасдиқласин;

йиллик ҳисоботлар билан бир вақтда ана шу ҳисоботларнинг мукаммаллигига доир аудиторлик хулосалари тақдим этиши шарт бўлган корхоналар ва ташкилотлар доирасини белгиласин.

3. Аудиторлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналар (ташкилотлар) махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосидагина шуғулланишга ҳақли бўлган фаолият турлари рўйхатига киритилсин (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 14 январда қабул қилган «Корхоналар (ташкилотлар) фақат махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосидагина шуғулланишга ҳақли бўлган фаолият турларининг рўйхати ҳақида»ги 516-XII-сонли қарор).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

ПАРТИЯГА КИРГАН ВАҚТИ: 1992 ЙИЛ, ДЕКАБРЬ

Тошкент шаҳар Миробод районига қарашли 1-поликлиника тарихига яна бир зарварақ битилди. Жамоанинг бир йўла саккиз аъзоси Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига тантанали қабул қилинди.

—Шифокорларимиз ХДПнинг мадади ва жамиятдаги салоҳиятини юракдан ҳис эта бошладилар, — дейди бош врач Салтанат Иноғомова, — улар партиядан ҳеч нарса кутмайдилар. Аксинча, фирқа раҳбарияти олиб бораётган халқчил сиёсатни одамларга етказиш, мураккаб замонамизда ҳокимият ва халқ ўртасидаги яхши маънодаги воситачиликни ўз ҳоҳишлари билан зиммаларига олмоқдалар.

Маълумки, жумҳориятимизда энг йирик фирқа — Халқ демократик партияси ўз сафларида 78 миллат ва элатга мансуб 360 мингдан зиёд кишини бирлаштириб турибди.

Малакали мутахассислар оз бўлишига қарамай, биргина терапия бўлимининг ўзи 21 минг кишилик аҳолига намунали медицина хизмати кўрсатиб келяпти. Бўлим мудири Собит Обидов ўттиз икки йилдан бери шу жамоада ишлайди. У 33 йил аввал КПССга аъзо бўлган. ХДП аъзолигига қабул қилинганлар орасида бўлим бошлиғидан тортиб, кичик ходимларгача бор. Энди бошланғич партия ташкилоти рўйхатига 14 киши ёзилди. Янги аъзолар партия ишига ҳамиша камарбаста эканликларини изҳор қилдилар.



Суратларда: (чапда) ХДП Миробод район кенгашининг биринчи котиби Зикрилла Асадов медицина ходимларига аъзолик билетларини топширмоқда. Ўнгда эса бахтиёр чеҳраларни кўриб турибсиз.

Суратқаш Е. БОТИРОВ.

Табани

ТАБАНИ

„ТАБАНИ КОРПОРЕЙШН“ ФИРМАСИ

Ўзбекистон Президенти жаноб Ислом КАРИМОВни, Республика Олий Кенгаши Раиси жаноб Шавкат ЙЎЛДОШЕВни, Бош вазир жаноб Абдулҳошим МУТАЛОВни,

УЛАР ТИМСОЛИДА БУТУН ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ ЯНГИ 1993 ЙИЛ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ ВА БУНИ ЎЗИ УЧУН ШАРАФ ДЕБ БИЛАДИ

• Мустақиллик, демократия ва тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистонга тинчлик ва барқарорлик тилаймиз.

• Янги йил ҳар бир ўзбек оиласига бахт-саодат ва рўшнолик келтирсин.

Бу қутловларга бизнинг қўшма корхоналаримиз: «Роял» — «Саёҳат» меҳмонхонаси, «Аэразия» авиакорхонаси, «Башанг—Табани» тикув фабрикаси, янги тиббиёт ва ташҳис маркази ходимлари, шунингдек биз билан ҳамкорлик қилувчи суғурта ва банк тижорати вакиллари, Тошкент биржачилари қўшиладилар.

«Табани корпорейшн» Урта Осиё бўлимининг бошқарувчиси

Муҳаммад АББОС ХОН.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Катта Миробод кўчаси, 158.

Телефонлар: 54-09-49, 32-35-53.

Факс: 54-08-30.

Телекс: 116416.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

АСАЛ — ДАСТУРХОН КЎРКИ

● Жорий йил Янгибозор районидаги ихтисослашган «Асаларичилик» давлат хўжалиги жамоаси учун ҳам ғоят қийин келди.

Баҳорда юз берган ёғингарчиликлар, ҳаво ҳароратининг бутун ёз бўйи салқин келганлиги бу тармоққа ҳам салбий таъсир кўрсатди. Натижада асалари уяларини май ва июнь ойлари давомида қўшни Туркманистон республикасининг кўҳна Урганч райони ҳудудидаги қум барханлари ораликларига кўчириб бориб, асрашга тўғри келди. Шунга қарамай, жамоа жорий йилни вилоятдаги турдош хўжаликлар ўртасида пешқадамлар сафида якунламоқда.

Хўжалик асаларичилари мавсумда 2965 та асалари уяси асраб, 18 минг килограмм маҳсулот олишга муваффақ бўлди. Хўжалик даромад олиш режасини 130 фоизга уддалади. Олинган соф фойда бир миллион сўмдан ошиб кетди. Ҳар бир асаларичи ойига ўртача 5,5-6 минг сўмдан иш ҳақи олаяпти.

ЖАМОА МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ

● Айрим меҳнат жамоаларида маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё танқислиги юз бераётганлиги маҳаллий шароитга мос истеъмол буюмлари тайёрлайдиган кичик корхоналар тармоғини кенгайтириш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шунга кўра Гурлан районидаги пойабзал фабрикаси қошида ёрдамчи корхона фаолият кўрсата бошлади. Унда эшик, дераза ромлари, сандиқ сингари харидорбоп дурадгорлик моллари тайёрлаш йўлга қўйилди. Бундай буюмларнинг баҳоси бозор нархидан анча арзон.

Шунингдек, 2500 квадрат метр майдонда иссиқхона хўжалиги ишга туширилди. Фабрика қузурида хўжалик ҳисоби асосида фаолият кўрсатадиган «Зебо» ҳаваскорлик эстрада дастаси тузилиб, ўз санъатини намойиш қила бошлагани ҳам қувончли воқеа бўлди.

Э. МАДРАҲИМОВ,

«СУМАЛАК» ДАСТАСИ ЎН ЕШДА

● Андижон вилоятида халқ дасталари кўп. Лекин ўнта бўлса ўрни бошқа. «Сумалак» халқ дастаси ягона.

Унинг ўзгача жозибаси, нафосати, ўзгача тароватн бор. «Сумалак» дастасининг шуҳрат қозонишида ажойиб раққоса Холидахон Муҳитдинованинг хизматлари катта.

«Сумалак» дастаси 10 ёшга тўлди. Уни бутун андижонликлар муборакбод этдилар. Андижон вилояти ҳокими Қ. Холмирзаев даста устози Х. Муҳитдиновага йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари остида Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги муносабаби билан чиқарилган юбилей нишонини топширди.

Холидахоннинг устозлари Қундузхоним Миркаримова, Гавҳархоним Раҳимова ва бошқалар «Сумалак» дастаси санъатини юксак баҳоладилар.

Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «Сумалак» халқ дастаси ўзининг ўн йиллик фаолияти ҳақида ҳисобот концерти берди ва яна бир бор санъат мухлисларининг олқишига сазовор бўлди.

А. ҚУРОНБОЕВ,

ХАЛҚ ОРЗУСИ ИФОДАЛАНГАН

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлиги оламшумул воқеа. Бу Қашқадарё вилояти меҳнаткашлари қалбини ҳам бир дунё қувончга тўлдирди. Биз турли касб эгалари билан учрашиб, уларнинг Асосий Қонунимиз тўғрисидаги фикрларини сўрадик.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

ТОШКЕНТ-1992

Бахтиёр САФАРОВ, Қаршидаги 16-автокорхона ҳайдовчиси:

— Ишчанлик вазнятида ўтган Олий Кенгаш сессиясида қўйилган масалалар, ҳеч сўзсиз, республикамиз истиқболи учун хизмат қилади. Айниқса, Конституциянинг қабул қилинганлиги 1992 йилдаги улкан воқеа бўлиб қолади, десам хато бўлмас.

Конституция кенг қамровли бўлиб ,унда биз, фуқароларнинг эркимиз, ҳақ-ҳуқуқларимиз белгилаб берилганлиги, жумладан, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлигидан беҳад мамнунмиз.

* * *

Кураш СОИМОВ, Шаҳрисабз ароқ-вино заводи директори:

— Бош Қонунимиз лойиҳаси муҳокама учун эълон қилинганида уни корхонамизнинг барча ишчи ва инженер-техник ходимлари иштирокида моддама-модда кўриб чиқиб, қатор таклифлар билдиргандик. Таклифларнинг кўпи инобатга олинибди. Ҳар томонлама мукаммал, пишиқ-пухта ўйланган Қонун қабул қилинди. Буни Ўзбекистонимиз мустақиллигининг тамал тоши десак бўлади. Конституциянинг биринчи моддасидаёқ «Ўзбекистон — суверен демократик республика...» деб кўрсатилишининг ўзи жуда катта гап. Кенг жамоатчиликнинг олқишига сазовор бўлган бу муҳим ҳужжат, шубҳасиз, мамлакатимизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

* * *

Убайдулла ҒАФФОРОВ, Қарши шаҳар «Самарқанд» маҳалласида яшовчи меҳнат ногиронни:

— Янги Конституциянинг аввалгиларидан фарқи шундаки, у республикамиз мустақиллигини сўзда эмас, амалда кафолатлайди. Шунингдек, унда инсон ҳуқуқлари тўлиқ ҳимоя қилинган. Фуқароларнинг дам олиши ва меҳнат қилиши, билим эгаллаши ва саломатлик муассасаларида даволаниши қонун билан белгилаб қўйилганлиги, айниқса, 39-моддада ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгалиги беқиёс аҳамиятга эгадир.

* * *

Махфират МИРЗОЕВА, Касби районидаги Ойбек номли мактаб ўқитувчиси, кўп болали она:

— Мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи Конституцияси Ватанимиз тарихида зархал ҳарфлар билан битилажак. Асосий Қонуннинг «Оила» бобида ота-оналар ва фарзандларнинг бурчи, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши алоҳида таъкидланган.

Ёки 46-моддани олайлик: «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқулидирлар». Бу сатрлар нойбларимиз томонидан сессия жараёнида қўшилди. Бир сўз билан айтганда Асосий Қонунимизда халқ орзуси ўз ифодасини топган. Бунинг учун янги Конституцияга асос солган ва юзага келишига бош-қош бўлган ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовга чексиз миннатдорчилик билдирамиз.

Суҳбатдош: Мусо КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ФЕРМЕРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Охирлаб бораётган йилда Тошкент вилоятида 550 дан зиёд фермер хўжаликлари тузилган эди. Улар ихтиёрига 3 минг гектардан ортиқ суғорилган ер ажратиб берилган.

Хусусий хўжалик соҳиблари баракали меҳнат қилишди. Улар давлатга 30 тонна гўшт, 70 тонна сут сотдилар. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари қарамоғида 3 мингга яқин қорамол, 6 минг чўчқа, 170 от мавжуд. Бундай хўжаликларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун банк томонидан берилган қарз 225 миллион сўмни ташкил этди.

(ЎзА мухбири).

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

Тошкент давлат шарқшунослик институтида «Ўзбек терминалогиясининг шакллаиниси ва ривожланишида шарқ тилларининг ўрни» мавзуидаги илмий-амалий анжуманни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги атамашунослик қўмитасининг раиси О. Ёқубов, Ўзбекистон фанлар академияси тилшунослик институтининг директори, ЎзФА мухбир аъзоси А. Ҳожиев, таниқли шарқшунос ва тилшунос олимлар сўзга чиқишди. Анжуман келаси йил апрель ойида ўтказиладиган бўлди.

(ЎзА).

• Эл ишончини оқлаётганлар

Култепаликлар ҳамқишлоқлари — Зомин сув хўжалиги мироби Абдукарим Мамаёқубовни район кенгаши депутатлигига танлаб янгилишмаган эканлар. Мана, икки йилдирки, унинг фаолиятидан ҳаммачинг кўнгли тўқ. Наказлар бирин-кетин уддаланяпти. Жумладан, Култепа, Ҳайткултепа, Ўрта қишлоқ, Қутчи қишлоқлари оқар сув билан таъминланди. Олислардаги қишлоқларда ҳам сув муаммоси ҳал этилган.

— Лекин бажарилган ишлардан кўнглим тўлмайди, — дейди у. — Вилоят раҳбарларига мурожаат қилдим. Талабимни инобатга олишди. Қишлоқ учун тегишли маблағ ажратилди. Ниятим — олти қишлоқни водопроводлаштириш.

Эгамқулов. — Бундан руҳланган чеварлар режаларини ошириб бажаришмоқда. Ҳар ойда 80—90 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

— Яқин орада гилам цехи ишга туширилади, — дейди Абдукарим Мамаёқубов. — Гилам тўқувчи аёллар шуни орзу қилишганди. Тикувчилик цехининг бир хонасини гилам тўқиш учун мослаштирдик. Хоразм ва Қўқон гиламдўзларидан қимматли маслаҳатлар олиб, ёрдам беришларини сўрадим. Улар меҳмонимиз бўлиб, жиҳозлар билан таъминлашга ваъда бердилар.

Аширбой Тангиров, меҳнат фахрийси:

— Абдукаримни депутат қилиб хато қилмабмиз, у ўзининг меҳрибон, одам-

УСТОЗЛАР ҲИММАТИ

Президентимизнинг янги йилда нюки ҳафталик ўқувчилар таътили тўғрисидаги фармони байрамни орзиқиб кутаётган болаларимизнинг қувончига қувонч қўшди. Улар икки ҳафта мобайнида кинотеатрларга бориш, арча байрамини мароқли ўтказиш, сиёҳатларга чиқиш, хуллас, мириқиб дам олиш имкониятига эга бўладилар. Лекин шундай тоифадаги болалар ҳам борки, уларга саҳоват, меҳр-мурувват кўрсатиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг профессор-ўқитувчилари ҳам таътилнинг дастлабки кунини ўзларининг инсонпарварлик бурчини ўташдан бошладилар. Университет ректорининг биринчи муовинлари А. Садриддинов, Н. Зайнутдинов ва касаба уюшмасининг раиси М. Аҳмадбекова бошчилигида бир гуруҳ домлалар С. Раҳимов районидаги 24-болалар уйига ва Ҳамза районидаги 30-болалар уйига ташриф буюришди. Учрашувлар болаларга совғалар улашиш билан ниҳоясига етди. Университет жамоаси болаларга икки юз минг сўмлик совғалар, ҳар бир болалар уйига иккитадан аккордион, жорий ҳисобларига 50 минг сўмдан пул ўтказишди. Ҳар бир боланинг қўлига қўғирчоқ театрининг чипталарини топширишди.

ҚАЙТА БУНЁД БЎЛГАН БОЗОР

Андижоннинг эски шаҳар қисмидаги қадимги узун бозори ўрнида шарқона услубда қурилган серқирра гумбазсимон иншоот қад кўтарди. Қишда иссиқ, ёзда салқин бўладиган бу устн ёпиқ бозор вилоят тайёрлов — савдо бошқармаси маблағи ҳисобига қурилди. Вилоят «Агропромстрой» 2-трестининг 111-хўжаликлараро механизацилашган кўчма колоннаси қурувчилари уни ярим йилда битказишди.

Шаҳарликлар ва вилоят марказн меҳмонлари бу ерда водийда етиштирилган нозне-ъматларни қишин-ёзин харид қилишлари мумкин.

(ЎзА мухбири).

Ўзбекистон-азалдан ерости қазилмаларига бой мамлакат. Аммо мустамлака йилларида бу бойликлардан пала-партиш, таъбир жоиз бўлса, қароқчиларча фойдаланилди.

Ўзим билган баъзи фактлар устида мулоҳаза юритсам, дегандим. Масалан, Сурхондарё вилоятида очилган кўплаб нефть ва газ конлари тақдирини олайлик. 1929-1930 йиллардан эътиборан бу минтақада қидирув ишлари бошланганди. «Ҳовдоғ», «Учқизил» ва «Какайди» майдонларида кон қазиш ишлари ижобий натижалар бергани маълум.

«Учқизил» қудуғидан юқори босимли нефть фавворасн отилиб чиққани ҳали-ҳали эсимда. Ўшанда собиқ СССР нефть саноати вазирлиги бу минтақада нефть ва газ заҳираларн борлигини ҳисобга олиб, зудлик билан вилоятда махсус нефть трестини ташкил этганди. Нефть қазиб олиш учун кўп меҳнат ва маблағ сарф этилди. Натижада юқорида номлари тилган олинган қудуқлардан нефть қазиб олина бошлади. Жарқўрғон нефтьни қайта ишлаш заводида бензин, керосин каби ёнилги ҳамда мойлаш маҳсулотлари ажратиб олиш йўлга қўйилди.

Сурхондарё нефтьчилиги тарихи бир неча йилларни қамраб олади. 1949 йили «Ялмикор» конндаги яна бир қудуқдан 500-600 атмосфера босимида чиққан газ ҳали жиловлаб олишга улгурмасдан алангаланиб кетганди. Бу кўпчиликни чўчитиб қўйди. Ўшанда пармалаш технологиясига риоя қилинмаганлиги, керакли асбоб-анжом ҳамда сифатли қоришма етишмаганлиги сабабли шундай бўлганди.

УЙҚУДАГИ БУЛОҚЛАРНИ УЙҒОТАЙЛИК

Одатда газ ёки нефть фавворасн борит деб аталувчи металлургия қукунига қизил тупроқ аралаштириб тайёрланган қоришма билан беркитилади. Аммо ўшанда сифатли тайёрламаган қоришма ҳамда техник воситаларнинг етишмаслиги туфайли катта босим қудуқ ичидаги пўлат пармаларни итқитиб юборганди. Газ билан отилган тошларнинг металлга тегиши натижасида учқун чиқиб алангаланиб кетганди.

Бундай кўнгилсиз ходисалар янги очилган газ ва нефть конларида содир бўлавергач, ишлар марказнинг буйруғи билан тўхтатиб қўйилди. Аммо бу қудуқларда сифатли нефть ва газ заҳиралари борлиги маълум. Шундай бўлса-да, ортиқча сарф-харажатлардан қочиб ишлар тўхтатиб қўйилган.

Энди аҳвол ўзгарди. Шу муносабат билан Сурхондарё нефть-газ заҳираларидан самаралироқ фойдаланиш хусусида айрим фикрларимни баҳам кўрмоқчиман.

Ўша вақтларда кон қазиш технологияси жуда қолоқ эди. Бунинг устига электр энергияси ва бошқа керакли материаллар етишмасди. Ҳозир эса тажриба ҳам, зарур ускунлара ҳам етарли. Бироқ Сурхондарё ерости бойликлари ҳақида дурустроқ бош қотирилмай келинмоқда. Айрим конлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Орадан шунча йиллар ўтсада, хусусан, «Ялмикор» майдонидаги нефть ва газ заҳиралари комплекс ўрганилмасдан қолмоқда.

Шу боис, қуйидагиларни таклиф этаман: биринчидан, ҳозир ҳам «Учқизил», «Ховдоғ», «Какайди» конларида нефть қазиб олиняпти. Шуни назарда тутиб бу минтақада доимий иш олиб борадиган махсус трест ёки ширкат тузилгани маъқул. Шунда вилоятда кончилик ишлари ривожлантирилишига имкон яратилган бўларди. Иккинчидан, эски қудуқларни қайта таъмирлаб, янги кон булоқлари кўзини очиш керак. «Ялмикор» нефть ва газ конидаги қудуқларни синчиклаб текшириш, энг чуқур қатламлардаги нефть ва газ заҳираларини ҳам аниқлаш ишларини олиб бориш лозим бўлади.

Шундай қилинса, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашнинг янги заҳиралари ишга солинган бўларди.

Қолаверса, бундай бойликни экспорт қилиш ҳам мумкин. Масалан, Тожикистон, Покистон, Афғонистон каби қўшни мамлакатларга бу бойликдардан сотиш ёки мол айирбошлаш воситаси сифатида фойдаланса бўлади. Шунинг учун уйқудаги кон булоқлари кўзини очиб, мустақил Ўзбекистон равнақига хизмат қилдирсак, дейман.

Холбой ХОЛМУРОДОВ, нефть саноати аълочиси, меҳнат фахрийси.

МИРОБНИНГ БАХТИ

Депутат хайрли ишга қўл урди. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи ҳал этилди. Қандай қилиб дейсизми? Август ойида хотин-қизлар депутатни даврага олиб, бизга иш топиб берасиз, деб туриб олишди. Шунда Абдукаримнинг ҳаёлига бир фикр келди: 2-бўлимнинг ёниб кетган идорасини ремонт қилсак-чи? Озмунча маблағ керакми? Демак ҳалқ билан маслаҳатлашиш керак.

Одамларни тўплаб, ниятини айтди. Оқсоқоллар унинг фирини маъқуллашди. Ҳашар йўли билан таъмирлаш ишлари бошланди. Хайрия тариқасида пул йиғилди. Бир ойга қолмай етти хонали бино яроқли ҳолга келтирилди.

Бундан қишлоқ чеварларининг қувончи чексиз эди. Чунки улар ўз қишлоқларида тикувчилик цехига эга бўлишганди. Ҳозир ушбу цехда 60 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган.

— Хотин-қизларимиз учун қулайлик яратилди, — дейди цех бошлиғи А. Охун инсон эканини кўрсатди. Бор меҳрини халққа бағишлаяпти. Ишончимизни оқлаяпти».

Нормурод Бобомуродов, мироб, ХДП аъзоси:

— «Мен уни жуда ҳурмат қиламан. У одамлар дарди, ташвиши билан яшайди. Депутат учун бундан ортиқ яна нима керак?».

Абдукарим Мамаёқубов яна бир ишни поёнига етказди. Сув ҳамда энергия билан ишлайдиган тегирмонни ишга тушишида бош-қош бўлди. Атрофи ободонлаштирилди. Шу ерда тикувчилик цехининг ёрдамчи хўжалигини ташкил этишга ҳаракат қилинмоқда.

Халқ депутати 54 баҳорни қаршилаган. Беш фарзанднинг отаси. Доимо кўпчилик ташвишида юради. Шу сингари хайрли ташвишлар туфайли кексалар дуосини олмоқда. Зотан, кўпчилик дуосини олишдан ҳам зиёдроқ бахт борми ўзи!

Мирзалол ТОҒАЕВ, Илҳом ЮНУСОВ, Зомин райони.

«Мустақиллик—менинг ифтихорим» фототанловига

Дўстлигимизни қўллаймиз. суратқаш С. МАҲКАМОВ.

1993 ЙИЛДА ЎҚИЙСИЗ...

Редакция эртадан бошлаб «Ўздасига мувофиқ «Темур тузуклари»ни эълон қилишга киришади. Бу асарнинг муаллифи аниқ эмас. Бутун воқеа бир шахс — буюк саркарда ва давлат арбоби, бобомиз Амир Темур номидан ҳикоя қилинади. Аслида шундайми ёки соҳибқирон айтиб тургану котиб ёзиб олганми, ё бўлмаса унинг айтганларини кимдир тўплаб китоб ҳолига келтирганми, ҳозир бир нарса дейиш қийин.

Шарқ мамлакатларида бу машҳур асар чиндан ҳам Амир Темур тарафидан ёзилганлиги ва унинг таржимаи ҳоли эканлиги эътироф қилинади. Шундай бўлса-да, «Темур тузуклари» ҳам Ўрта Осиёда яратилган кўпгина ажойиб асарлар сингари, аввало ўзга юртларда, хусусан Европада кенг шуҳрат топди. Кўплаб ҳукмдорлар ижтимоий-сиёсий фаолиятларида ундан йўл-йўриқ сифатида ўрганганлар. Саркардалар буюк соҳибқирон нинг ҳарбий тактикаси ва стратегиясини эгаллашга интилганлар ва зафар қозонганлар. «Темур тузуклари» ана шундай бебаҳо, қиммат-ли, нодир асар. Унинг бутун сеҳри, қудратли кучи нимада эканлигини мутолаа давомида билиб оласиз.

Хуллас, «Темур тузуклари» эртадан эътиборан ҳонадонингизга ташриф буюради.

• Янги китоблар •

САРҲИСОБ

Исмоил Тўхтамишевнинг номини шеърият ихлосмандлари яхши билишади. Истеъдодли шоирнинг шу кунгача ўнга яқин шеърий туркумлари чоп этилган. Шоир шеърлари билан айтиладиган дилрабо қўшиқларнинг ҳам ўз мухлиси — тингловчилари бисёр.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти яқинда унинг яна бир тўпламини алоҳида китоб шаклида чоп этди. «Сенга интилдим» деб номланган ушбу тўпламга ижодкорнинг барча сара шеърлари жамланган. Уни маълум маънода истеъдодли шоирнинг сарҳисоб китоби, дейиш ҳам ўринли.

МУХБИРИМИЗ ИЛҲОМИ

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси шоир Ошиқ Эркин (Эркин Мадраҳимов)нинг «Қўймадингиз, қўймадингиз» деган янги шеърлар ва достонлар тўпламини чоп этди. Ундан ўқилиш оҳангиданоқ мусиқага эш бўлиб кетадиган дилбар ғазаллар, ҳаётий сабоқларни ўзида мужассамлаштирган тўртликлар, мухаммасу мураббаълар, «Искандарнома» ва «Дўст билан обод уйинг» сарлавҳали достонлар жой олган. Яхшиси, тўпламни ортиқча таърифлаб ўтиргандан кўра, унинг сарлавҳаси билан аталган ғазални тақдим эта қолайлик.

СЕНГА ИНТИЛДИМ

Олислардан ёнган чироқ, сенга интилдим,
Юрак бағрим тилса фироқ, сенга интилдим.
Васлинг истаб ёнди мудом умидвор кўнгил,
Чорлаганда яқин-йироқ сенга интилдим.
Ҳаёлингдан қора тун ҳам мунаввар бўлди,
Имкон топган ҳар дам, ҳар чоқ сенга интилдим.
Ғаниларим раҳна солмоқ бўлди кўнгилга,
Инкор қилиб барин бироқ, сенга интилдим.
Ўртаниб гоҳ аламлардан бағрим бўлиб хун,
Дарё сари шошган ирмоқ сенга интилдим.
Юрак очдим йўлдошимга дўст деб, суяниб,
Панд берганда баъзан ўрток, сенга интилдим.
Кўпкарига ўхшар экан бу ҳаёт иши,
Бой берилган қўлдан улоқ, сенга интилдим.
Осон бўлмас бу ҳаётда менга биламан,
Босар йўлим тошли сўқмоқ, сенга интилдим.
Дердиларки, эй Исмоил ақлинг йиғиб ол,
Ҳеч кимсага солмай қулоқ, сенга интилдим.

ҚЎЙМАДИНГИЗ, ҚЎЙМАДИНГИЗ

Ғаплашайлик юринг бир деб, қўймадингиз, қўймадингиз,
Ғўзал суҳбат қуринг бир деб, қўймадингиз, қўймадингиз.

Қўймадингиз бу таклифни неча жондин қилиб изҳор,
Висол ғаштин суринг бир деб, қўймадингиз, қўймадингиз.

Атр бўйлар тараб гулшан, наводан яйрасин, диллар,
Қандингизни уринг бир деб, қўймадингиз, қўймадингиз.

Неки ғам бор, неки ҳасрат чиқиб кетсин кўнгиллардан,
Йўлни боғга буринг бир деб, қўймадингиз, қўймадингиз.

Неча сўз бердингиз, жоним, кўнгилли бир саёҳатга,
Ваъдангизда туринг бир деб, қўймадингиз, қўймадингиз.

Ошиқ Эркин, юринг, қўрқманг, садоқатли муҳаббатда,
Жавлонимни кўринг бир деб, қўймадингиз, қўймадингиз.

СЕН ЕТИМ ЭМАССАН...

Хайит-арафа, байрам кунлари етим-есирлар ҳолидан хабар олиш, уларга совғасалом улашиш халқимизнинг азалий одати. Сурхондарёда бу ишга вилоят болалар жамғармаси бош-қош бўлмоқда. Бойсун туманидаги 12-болалар уйида, Шўрчи туманидаги иккита ногиронлар мактаб-интернатида тарбияланаётган 300 нафардан зиёд кичкинтойга Янги йил совғалари улашилди. Болалар жамғармаси бунинг учун 70 минг сўм ажратди. Иқтисодий бақувват корхоналар ҳам савобли ишдан четда қолмаётир. Масалан, Термиз шаҳридаги «Расулбарот» ўзбек-афғон қўшма корхонаси етим-есирлар, вилоят болалар шифохонасида даволанаётган қаровчисиз ёшлар учун 400 минг сўм ўтказди.

(ЎзА).

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

Оҳангарон ПМК-1 Строймонтаж

ОҲАНҒАРОНДАГИ ПОЛИМЕР ВА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КОМБИНАТИ ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

ПОЛИМЕР ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ:

АСОСИ ИССИҚ ВА ТОВУШ ЎТКАЗМАЙДИГАН ПОЛИВИНХЛОРИДЛИ ЛИНОЛЕУМ ТУРЛАРИ: ВКП, ВК.

Ўрамларда узунлиги 12 м қилиб чиқарилади. Эни — 1500 мм.



БИР ҚАТЛАМЛИ, БИР ХИЛ РАНГЛИ ВА МАРМАРСИМОН ПОЛИВИНХЛОРИДЛИ ЛИНОЛЕУМ. ТУРИ О.

Ўрамларнинг узунлиги 12—16 метр қилиб ишлаб чиқарилади. Эни — 1500 мм. Қалинлиги — 1,5 мм.

АСОССИЗ, ҚЎП ҚАТЛАМЛИ ВА БИР ҚАТЛАМЛИ ПОЛИВИНХЛОРИДЛИ ЛИНОЛЕУМ. ТУРИ МП.

Ўрамларнинг узунлиги 12—16 метр қилиб ишлаб чиқарилади. Эни — 1500 мм. Қалинлиги — 1,5 мм.

ҚАУЧУКЛИ ЕЛИМЛОВЧИ МАСТИКА КН—3.

Мастика ПВХ линолеумларни, паркетларни ва керамикали кошинларни елимлашда ишлатилади.

ПОЛИВИНХЛОРИДЛИ ҚОҒОЗ АСОСЛИ ПАРДОЗЛОВЧИ МАТЕРИАЛ «ПОЛИПЛЕН».

Ўрамларда узунлиги 6—25 м. Эни 600 мм. Қалинлиги — 0,5 мм қилиб ишлаб чиқарилади.

ПОЛИЭТИЛЕН ПЕЛЕНКАСИ.

Ўрамининг эни — 1400 мм: пеленканинг эни 2800 мм. Қалинлиги 0,050 мм, — 0,120 мм.

ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАР. КУЧЛИ ОҚИМЛАР УЧУН МУЛЖАЛЛАНГАН.

Диаметри — 25140 мм, узунлиги 6м. ўрамларда ишлаб чиқарилади.

ПОЛИВИНХЛОРИДЛИ ҚУВУРЛАР.

Ўрамларда 20 метр. Диаметри 14x10, 20x16, 25x19, 32x27.

РСВ БЕТ-ҚЎЛ ЮВГИЧ ВА ЧАНОҚЛАР УЧУН УНИФИКАЦИЯЛАШГАН ИККИ АЙЛАНМАЛИ ПЛАСТМАССА СИФОН.

Ванналар ва чуқур таглик, душ учун чиқариш ва қуйиш қисми бўлган пластмасса сифон. Унитаз учун ўтиргич. Оқизиб кетувчи сопол идишларга пластмассали асбоб анжомлар.

ҚУЙИДИРИЛГАН ПАРДОЗЛОВЧИ ҚОШИНЛАР.



150x150 мм, 300x300 мм.

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ (Пластмассадан)



1. Челаклар, чиқитлар учун сиғими 18 л. тоғоралар, тувакчали ва қопқоқли болалар стули. Қопқоқли болалар тувакчаси. Пластмасса идиш товоқлар, янги хорижий усулидаги (озиқ-овқатлар учун)





Ишлаб чиқариш қолдиқларидан тайёрланган иссиқ кўрпачалар, кўрпа ва наматлар.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри,

Телетайп: 116814, АХГН «Роза».

Телефон: (37164) 5-29-37.

Телефакс: (37164) 5-18-74.

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, МУАССАСАЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ОҲАНГАРОНДАГИ «САНТЕХЛИТ» ЗАВОДИ 1993 ЙИЛДА ҚУЙИДАГИ ҚУРИЛИШ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ВА КЕНГ ТОИФАДАГИ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Завод усталари ишлаб чиқараётган чўян қозонларда ширин миллий таомлар тайёрлаш мумкин. Нисбатан арзон, сиғими 8,14 ва 22 литрли сахни 8 ва 5 литрли ярим тагли қозонларни сотиб олинг. Қозонлар турли хил оилавий йиғинларни ўтказишда сизларга асқотади.

Ундан ташқари корхонадан турли хил буюртма ва келишилган нархда маҳсулотларни сотиб олишингиз мумкин.

1. Ванна ВЧМО — 1500 мм. Оқ рангли ва буюртма бўйича.

2. Раковина РВС—2

3. Траплар, Ф 50 мм.

4. Чўян қувурлар Ф 50, Ф 100, Ф 150 мм узунлиги — 200 мм ва уларнинг улов қисмлари.

Мурожаат учун манзилгоҳ: Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри.

Телефонлар: 5-22-08, 5-47-35.

*

«Интеравтотранс» акционерлик жамияти томонидан Б. Х. ҲОШИМОВ номига берилган №323, 324-рақамли йўқолган ишончномалар БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги жамоаси, «Ўзгўштсутсаноат маҳсусавтотранс» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, республикада хизмат кўрсатган транспорт ходими

Тельман Абдуллаевич АКБЕРДИНнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига ва бирлашма жамоасига чуқур таъзия билдирадилар.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси редакциянинг собиқ бўлим мудири, «Шарқ юлдузи» журналининг бўлим мудири, ёзувчи ва журналист М. Мансуровга онаси

Кароматхон УМАРХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қишлоқ хўжалиги саноат мажмуи молия бошқармасининг бўлим бошлиги Т. А. Каримовга онаси

Баҳринисо КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бош назорат — тафтиш бошқармасининг бошлиги Б. Т. Бойқўнусовга акаси

Бахтиёр БОЙҚЎНУСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бош назорат-тафтиш бошқармасининг бошлиги муовини Ж. И. Маматхоновга онаси

Манзура СОАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бош назорат-тафтиш бошқармасининг бошлиги муовини — бўлим бошлиги А. А. Камоловга отаси

Алохон КАМОЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Чирчиқ «ХимСтим» илмий техник маркази дирекцияси Андижон Давлат университетининг доценти

Мухторжон МАМАДАЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан оиласига, яқин қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: Ҳ. НОСИРОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси. 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—21.35. Г — 512 № 256. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.